

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 30 октябрь • № 43 (662)

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг

### БУЙРУҒИ

2009 йил 28 октябрь № 322 Тошкент шаҳри

## 2010 йил докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги oliy таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган tibbiy илмий-амалий ва илмий марказларда фаннинг долзарб йўналишлари бўйича oliy малакали илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли "Илм-фан ва технологияларнинг ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига ҳамда 2007 йил 9 августдаги 164, 11, 3/10, 19-сонли қарор билан тасдиқланган "Аспирантура (докторантура) тўғрисидаги Низом"га асосан аспирантура ва докторантура орқали oliy малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида

### БУ ЮРАМАН:

1. Oliy таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган tibbiy илмий-амалий ва илмий марказларда 2010 йил докторантура ва аспирантурага қабул режасини 1-иловага мувофиқ тасдиқлайман.

2. Фан ва ўқув юртлири Бош бошқармаси (Ш. Э. Атаханов) докторантура, аспирантура қабули бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

3. Oliy таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган tibbiy илмий-амалий ва илмий марказлар раҳбарларига:

3.1. Докторантура ва аспирантура қабулини 2010 йил учун тасдиқланган режа (1-илова) асосида амалга ошириш таъминлансин;

3.2. Танловда иштирок этувчилар ҳужжатлари жорий йилнинг 30 октябрдан 21 ноябргача қабул қилинсин. Имтиҳонлар жорий йилнинг 23 ноябрдан 14 декабргача ўтказилсин;

3.3. Аспирантурага мутахассисликлар бўйича қайд этилган йўналишдаги мутахассислар қабул қилинсин:

- магистратурани тугатганлар;
- 1998 йилгача институтни тугатган, мутахассислиги бўйича интернатура ўтган ва ушбу мутахассислиги бўйича интернатурадан кейин камида икки йил иш стажига эга бўлганлар;
- 1998 йилдан бошлаб tibbiy oliy таълим муассасаларини тамомлаб, магистратура ва клиник ординатурани тугатганлар;
- фармацевтика йўналишидан мутахассис дипломига эга бўлган ва магистратурани тугатганлар.

4. Oliy таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида мақсадли аспирантура ўринларида қабул 2-иловада кўрсатилган oliy таълим муассасаларида амалга оширилсин.

5. Аспирантура ва докторантурада 2010 йил қабули бўйича ўқув жараёни 2010 йилнинг 2 январидан бошлансин.

6. Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов):

oliy таълим муассасалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий, tibbiy илмий-амалий ва илмий марказлардаги докторант ва аспирантларнинг ўқув жараёнини 2010-2012 йилларда белгиланган тартибда молиялаштириш таъминлансин.

7. Докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режасининг бажарилиш ҳисоботи илова қилинаётган шакллар бўйича 2009 йилнинг 28 декабргача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлири Бош бошқармасига топширилсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини вазирнинг биринчи ўринбосари А. В. Алимовга юклайман.

Вазир

А. И. ИКРАМОВ.

(Давоми 2-бетда).

## Съезд



## МАҚСАД: СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

**Жорий йилнинг 29-30 октябрь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон анестезиолог ва реаниматологларининг III Съезди бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шифокорлари билан бир қаторда МДХ давлатларининг етакчи мутахассислари ва ёш олимлар жамоваси ҳам иштирок этди.**

Съезднинг асосий мақсади – tibbiyёт соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган анестезиология ва реаниматология бўйича қилинаётган ишлар самарадорлигини ошириш, халқро тажрибаларни амалиётга таъбиқ этиш, замонавий ташхислаш-даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ва бу борада мутахассислар малакасини бойитиш ишларига эътибор қаратишдир.

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар Съезддан қўзланган асосий натижалар, долзарб масалалар ва уларнинг ечимини таҳлил қилиш тўғрисида ўз

фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Тадбир дастурига кўра, иштирокчилар шошилинч tibbiy ёрдам тизими, акушерлик ва гинекология, оғрик ва оғриқсизлантириш, ички касалликларнинг критик ҳолатларида, кардио ва нейрорелаксация, экстракорпорал, гемокоррекция, нутритив ёрдам ва инфузион терапияда анестезиология-реаниматологияни жаддал ривожлантириш, соҳага даволашнинг замонавий стандартларини олиб кириш, tibbiy технологиялар ривожини ошириш ҳамда кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш ишлари бўйича маърузалар тингладиди.

– Ҳар йили Съезднинг мавзу қўлами кенгайиб, англикларга бойиб бормоқда. Тадбирда шифокорлар билан ўзаро тажриба алмашиб, фаолиятимизни ривожлантиришга хизмат қиладиган даволашнинг замонавий усуллари, янги технологияларнинг афзалликларини тўғрисида кенгроқ маълумотларга эга бўлдик. Мақсадимиз, олинган назарий ва амалий кўникмаларимизни ҳамкасбларимиз орасида қўллаш ва ютуқларга эришиш, – дейди Бухоро вилояти кўп тармоқли tibbiyёт марказининг реанимация бўлими мудири, вилоят бош анестезиологи Бозорбой Асадов.

Намоз ТОЛИПОВ.  
Сурат муаллифи  
Собир МАЖИДОВ.

## УШБУ СОНДА:

3

**ХУСУСИЙ ТИББИЙ  
ФАОЛИЯТ ВА ИНСОН  
МАНФААТЛАРИ**

4

**СОВРЕМЕННЫЕ  
ПОДХОДЫ К  
АКТУАЛЬНОЙ ПРОБЛЕМЕ**

6

**ФИЗИЧЕСКАЯ  
ПОДГОТОВКА И  
ЗДОРОВАЯ ЖИЗНЬ**

7

**КАСБГА МАСЪУЛЛИК  
ҲИССИ  
НАРКОМАНИЯ:  
ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ**

## КЕЛГУСИ СОНДА:

«Қишлоқ тараққиёти ва фарозонлиги йили» Давлат дастури, «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари ижроси Фарғона ва Navoiy вилоятларидаги қишлоқ врачлик пункти фаолиятлари ҳамда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар.

Республика «Энг яхши умумий амалиёт шифокори» ва «Энг яхши патронаж ҳамшираси» кўрик-танлов тафсилотлари ҳамда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари.

«Тиббиёт ходимлари куни» республикамизда қандай нишонланади? Тадбирлар, мукофотлар ва касбга доир фаолиятлар билан танишасиз.

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БҒЙРУҒИ

2009 йил 28 октябрь

№ 322

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш  
вазирининг 2009 йил 28 октябрдаги  
322-сонли буйруғига 1-илова

**2010 йилда олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий, тиббий илмий-амалий ва илмий марказларда докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режаси**

Мутахассисликлар шифри ва номи Олий таълим муассасалари бўйича жами	Аспирантура 114 (20*)	Докторантура 7 (1*)
<b>Тошкент тиббиёт академияси</b>	<b>21</b>	<b>2</b>
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1	
14.00.04 Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	1	
14.00.05 Ички касалликлар	2	
14.00.06 Кардиология	1	
14.00.07 Гигиена	1	
14.00.09 Педиатрия	1	
14.00.13 Асаб касалликлари	2	1
14.00.14 Онкология	1	
14.00.19 Клиник радиология	1	
14.00.21 Стоматология	2	
14.00.22 Травматология ва ортопедия	1	
14.00.23 Гистология	1	1
14.00.25 Фармакология	1	
14.00.27 Хирургия	2	
14.00.30 Эпидемиология	1	
14.00.33 Жамоат соғлигини сақлаш	2	
<b>Тошкент Педиатрия тиббиёт институти</b>	<b>19</b>	<b>1</b>
03.00.04 Биохимия	1	
14.00.04 Оториноларингология	1	
14.00.06 Кардиология	1	
14.00.09 Педиатрия	4	
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	1	
14.00.13 Асаб касалликлари	1	
14.00.22 Травматология ва ортопедия	1	
14.00.24 Суд тиббиёти	1	
14.00.28 Нейрохирургия	1	
14.00.33 Жамоат соғлигини сақлаш	2	
14.00.35 Болалар хирургияси	2	1
14.00.37 Анестезиология ва реаниматология	1	
14.00.46 Болалар юқумли касалликлари	1	
<b>Тошкент врачлар малакасини ошириш институти</b>	<b>18</b>	<b>2</b>
03.00.04 Биохимия	1	
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1	
14.00.04 Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	1	
14.00.05 Терапия	2	
14.00.08 Куз касалликлари	1	
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	1	
14.00.13 Асаб касалликлари	2	2
14.00.14 Онкология	1	
14.00.21 Стоматология	2	
14.00.26 Фтизиатрия	1	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.37 Анестезиология ва реаниматология	1	
14.00.40 Урология	1	
14.00.43 Пульмонология	1	
<b>Тошкент Фармацевтика институти</b>	<b>8</b>	
15.00.01 Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	4	1
15.00.02 Фармацевтик кимё ва фармакогнозия	4	
<b>Самарқанд Давлат тиббиёт институти</b>	<b>20 (11*)</b>	
03.00.04 Биохимия	1*	
03.00.07 Микробиология	1*	
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1	
14.00.02 Одам анатомияси	1	
14.00.04 Оториноларингология	1	
14.00.05 Ички касалликлар	1	
14.00.06 Кардиология	1*	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	1*	
14.00.15 Патологик анатомия	1*	
14.00.16 Патологик физиология	1	
14.00.18 Психиатрия	1	
14.00.21 Стоматология	1*	
14.00.25 Фармакология	1	
14.00.26 Фтизиатрия	1*	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.28 Нейрохирургия	1*	
14.00.29 Гематология ва қон қуйиш	1*	
14.00.35 Болалар хирургияси	1	
14.00.37 Анестезиология ва реаниматология	1*	
14.00.42 Клиник фармакология	1*	
<b>Анджон Давлат тиббиёт институти</b>	<b>14 (1*)</b>	<b>1*</b>
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	2	
14.00.02 Одам анатомияси	1	1*
14.00.04 Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	1	
14.00.05 Ички касалликлар	1	
14.00.06 Кардиология	2	
14.00.08 Офтальмология	1	
14.00.09 Педиатрия	1	
14.00.18 Психиатрия	1	
14.00.27 Хирургия	2	
14.00.28 Нейрохирургия	2 (1*)	
<b>Бухоро тиббиёт институти</b>	<b>8 (3*)</b>	
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	2 (1*)	
14.00.05 Терапия	1	
14.00.06 Кардиология	1*	
14.00.09 Педитрия	1	
14.00.21 Стоматология	1	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.35 Болалар хирургияси	1*	
<b>ТТанинг Урганч филиали</b>	<b>6(5*)</b>	
03.00.07 Микробиология	1	

(Давоми. Боши 1-бетда).

14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1*	
14.00.04 Оториноларингология	1*	
14.00.09 Педиатрия	1*	
14.00.27 Хирургия	1*	
14.00.29 Гематология ва қон қуйиш	1*	
<b>ТошПТИнинг Нукус филиали</b>		
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1	
<b>Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий, тиббий илмий-амалий ва илмий марказлар бўйича</b>	<b>28</b>	<b>2</b>
<b>Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббий маркази</b>		
14.00.09 Педиатрия	2	1
<b>Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти</b>		
14.00.22 Травматология ва ортопедия	2	
<b>Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти</b>		
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
<b>Республика ихтисослаштирилган Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази</b>		
14.00.05 Терапия	1	
<b>Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази</b>		
14.00.26 Фтизиатрия	1	
<b>Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази</b>		
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	2	
<b>Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти</b>		
14.00.29 Гематология ва қон қуйиш	2	
<b>Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази</b>		
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	2	
<b>Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази</b>		
14.00.03 Эндокринология	2	
<b>Академик В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази</b>	2	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.44 Юрак қон-томир хирургияси	1	
<b>Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази</b>		
14.00.06 Кардиология	4	
<b>РШТЎИМ</b>	<b>5</b>	
14.00.06 Кардиология	2	
14.00.27 Хирургия	2	1
14.00.44 Юрак қон-томир хирургияси	1	
<b>Республика онкология илмий маркази</b>	<b>2</b>	
14.00.14 Онкология	1	
14.00.19 Клиник радиология	1	
<b>ЖАМИ</b>	<b>142 (20*)</b>	<b>9 (1*)</b>

\*Изоҳ: шу жумладан мақсадли ўринлар. Мақсадли ўринларга қабул 2-иловада кўрсатилган муассасаларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2009 йил 28 октябрдаги 322-сонли буйруғига 2-илова

**Мақсадли аспирантура ва докторантура ўринларига қабул бўйича олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали**

Мутахассислик шифри	Жойлар сони	Юбораётган олий таълим муассасаларининг номи	Қабул қилувчи олий таълим муассасаларининг номи
<b>Аспирантура</b>	<b>20</b>		
03.00.04	1	СамДавТИ	ТТА
03.00.07	1	СамДавТИ	ТТА
14.00.06	1	СамДавТИ	РИКМ
14.00.11	1	СамДавТИ	ТТА
14.00.15	1	СамДавТИ	ТТА
14.00.21	1	СамДавТИ	ТашИУВ
14.00.26	1	СамДавТИ	ТошВМОИ
14.00.28	1	СамДавТИ	Нейрохирургия илмий маркази
14.00.29	1	СамДавТИ	Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти
14.00.37	1	СамДавТИ	ТошВМОИ
14.00.42	1	СамДавТИ	ТТА
14.00.28	1	АндДавТИ	Нейрохирургия илмий маркази
14.00.01	1	БухТИ	Республика Ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази
14.00.06	1	БухТИ	РИКМ
14.00.35	1	БухТИ	ТошПТИ
14.00.01	1	ТТАнинг Урганч филиали	Республика Ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази
14.00.04	1	ТТАнинг Урганч филиали	ТТА
14.00.09	1	ТТАнинг Урганч филиали	Республика Ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази
14.00.27	1	ТТАнинг Урганч филиали	Академик В. Воҳидов номли РИХМ
14.00.29	1	ТТАнинг Урганч филиали	Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти
<b>Докторантура</b>			
14.00.02	1	АндДавТИ	ТТА

\*Изоҳ: мақсадли ўринларга қабул улар юборилган институтларда, яъни аспирантура ва докторантура аккредитациядан ўтган муассасада амалга оширилади.

## Ўз ҳуқуқингизни биласизми?

## ХУСУСИЙ ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш ишлари муайян мақсадга қаратилган бўлиб, унда асосан инсон саломатлиги ва унинг ҳуқуқий манфаатлари устуворлик касб этади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони тизим фаолиятида тарихий воқеа ҳисобланади. Ушбу дастур асосида тизим ислохотларининг 1-босқичи муваффақиятли аяқланиб, бирламчи тиббий хизмат сифати ўзгартирилди.**

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисига замонавий типдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3100 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастурга асосан вертикал бошқарувга эга бўлган ягона давлат шошилинч тиббий ёрдам тизими ташкил этилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий Маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда туманлардаги бўлимларида беморларга юқори технологик замонавий шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар яхлит тизимга эга бўлган ҳуқуқий майдонда олиб боришмоқда: тизимдаги муносабатлар 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Хусусан, 13 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 33 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 80 дан зиёд қарорлари, вазирлик, давлат кўмиталари ва идораларнинг Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган 55 та ҳужжатлари шулар жумласидандир. 230 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларни билвосита ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда. Аҳолига юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдамни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан республикада ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, урология ва кўз миёна хирургияси марказлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкиллаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши соғлиқни сақлаш тизимини ислохотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Фармон асосида Педиатрия, Терапия ва тиббий реабилитация, Акушерлик ва гинекология, Дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Эндокринология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилиши аҳолига кўрсатилган ихтисослаштирилган тиббий хизматни янада юқори даражага кўтариш, амалиётга юқори технологияларни татбиқ этиш каби мақсадларга йўналтирилган. Фармонда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимининг ривожланиши, вилоят миқёсида замонавий жиҳозланган кўп тармоқли тиббиёт ва тиббий диагностика мар-

казларининг ташкил этилиши, уларда кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида ягона даволаш-диагностика стандартлари жорий ҳамда амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш тизимида узлуксиз ва босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотлар мамлакат аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш ва мустақамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда келтирилганидек, республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шаклланиб бормоқда – 1700 нафардан кўпроқ юридик шахсга хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш ва 2100 нафардан кўпроқ жисмоний шахсга яққа тартибдаги шифокорлик фаолияти учун лицензиялар берилди. Улар томонидан аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат кўлами илдан-илга ошиб бормоқда, янги тиббий хизмат турларини кўрсатиш жорий этилмоқда. Ушбу Фармон билан хусусий тиббиёт муассасалари яратилаётган имтиёзлар (тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан, хориждан олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар учун боғнона тўловларидан озод қилиниши) уларнинг салоҳияти янада ошишига, кўрсатилган тиббий хизмат сифати юксалишига замин бўлади. Бу эса давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб бориладиган изчил ички сиёсатнинг мантқиқий давомидир. Фармонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари қаторида замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш ва диагностика стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш алоҳида белгилаб қўйилган.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида "Тадбиркорлик фаолияти субъектлари – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларноқ" деб белгилаб қўйилган.

2009 йилнинг 1 май куни ҳолатига республикада тиббий фаолият юритиш учун лицензия олган 1590 нафар юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат тиббиёт муассасалари ва 1187 нафар жисмоний шахс – яққа тартибдаги тадбиркор мажбур. Мазкур тадбиркорлик субъектларининг тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти «Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-11-моддалари ҳамда

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Юқорида тилга олинган Фармон ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-700-сонли Қарори билан хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун бажарилиши шарт бўлган талаб ва шартлар белгилаб берилган. Улар қуйидагилардир:

\* тиббиёт муассасаси даволаш фаолиятини фақат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатдаги тиббий ихтисослик йўналиши бўйича амалга ошириши;

\* диагностика ва даволаш асбоб-ускуналаридан иборат замонавий моддий-техник базанинг мавжудлиги;

\* муассаса шатидида турган, тегишли ихтисос йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган юқори малакали врачлар диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил равишда олиб бориши;

\* тиббиёт муассасаси фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган бино ва хоналарда ташкил этиши.

Мазкур талаб ва шартлар яққа тартибда тиббий фаолиятни амалга ошираётган врачлар учун ҳам мажбурийдир, негаки «Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ улар соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимига кириди. Бироқ таҳлил шуни кўрсатдики, бугунги кунда яққа тартибда тиббий фаолиятни амалга ошираётган врачларнинг фаолияти аксарият ҳолатларда мазкур талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, 2008 йилнинг 1 июль куни ўрнатилган тартибда тасдиқланган 0253-08-сонли Санитария қондалари ва меъёрларига кўра, тиббий фаолияти диагностика ва даволашнинг инвазив, яъни қон билан алоқада бўладиган методларини қўлловчи даволаш-профилактика муассасаларининг ўзида марказлашган стерилизация бўлимини ташкил этиш талаб этилади. Марказлашган стерилизация бўлимини ташкил этиш учун эса ушбу тиббий муассасага қўшимча равишда махсус ўқув курсларида айрим дастур асосида тайёрларидан ўтган ўрта тиббиёт ходимларини ишга олиш талаб қилинади. Бу ҳолат эса яққа тартибдаги амалиёт тушуночасига зиддир. Шунингдек, ихтисослашган тиббий хизмат тоифасига кирувчи бир қатор тиббий ихтисосликлар (хирургия, урология, колопроктология, хирургик стоматология, оториноларингология, акушерлик-гинекология, травматология, ортопедия ва ҳ.к.) бўйича тиббий амалиёт қўшимча малакали ходимларни (малакали ҳамширалар, анестезиологлар, тиш техниклари, лаборантлар ва ҳ.к.) жалб этишни талаб қилади.

Ушбу талабга тўлиқ риоя қилиш эса, ўз ўрнида амалдаги қонунчиликка зиддир. Негаки "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида "Яққа тартибдаги тадбиркорлик яққа тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, ... ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда, ... мустақил равишда амалга оширилади" деб белгиланган. Лекин, тасаввур қилиб кўриниб,

битта врачнинг ўзи беморни кўриқдан ўтказиб, тахсисни аниқлаб, тегишли даво муолажаларини тайинлаб, уларни амалга ошириб, самарасини назоратга олиб, бундан ташқари, статистика органига ҳисобот топширишга, бирламчи тиббий ҳужжатларни талаб даражасида тулиқ юритиш, тиббий асбоб-ускуналарни стерилизация қилиш, бир мартаба ишлатиладиган тиббий воситаларни йўқ қилиш, тиббий фаолият кўрсатилмаётган бинони санитария нормаларига мувофиқ тозаланиши сақлаш ва шу каби бошқа ишларни бажаришга жисмонан улгуриши мумкинми? Аёнки, йўқ! Шунинг учун ҳам тиббий фаолиятни амалга ошираётган яққа тартибдаги тадбиркорларда мана шу ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Лекин, айрим нопок шахслар, "тадбиркорлар" амалдаги қонунчиликка зид равишда бошқа тозабўлмайдиган ёлланма меҳнатдан фойдаланиб келишган. Айни вақтда, яққа тартибдаги тадбиркорларга ёлланма меҳнатдан фойдаланиш қонунчиликда тақиқланганлиги туфайли ёлланма тиббиёт ходимларини ишга қабул қилиш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган. Натижада мазкур тоифадаги ходимлар Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунларига зид равишда ихтимол жиҳатдан сугурталанмапти ҳамда уларнинг иш стажлари ҳисоби юритилмапти.

Айни вақтда, Россия Федерацияси ва Украина Меҳнат кодексларида, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексида ҳамда "Кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонунда, Қозғистон Республикасининг Меҳнат кодексида ҳамда "Хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунда яққа тартибдаги тадбиркорлар ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қондалар мустақамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, аҳолига жаҳон талабларига мос келувчи юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдамни ташкил этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2006-2009 йиллар мобайнида тиббиётнинг 30 дан зиёд йўналишида даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Ушбу умуммажбурий хусусиятга эга бўлган норматив ҳужжатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кўрсатилган тиббий хизматлар кўлами, ҳажми ва сифатини белгилайди. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатаптики, бугунги кунда яққа тартибда ишлаётган шифокорларнинг фаолияти, тиббий ихтисосликнинг қайси йўналиши бўлишидан қатъи назар, ушбу мажбурий стандартлар талабларини ҳаттоки қисман амалга оширишга ҳам имкон бермайпти.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда яққа тартибда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор-врачлар амалиёт, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган, хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун мажбурий талаб ва шартларга жавоб бермайпти. Бу эса, ўз навбатида, хусусий тиббиёт секторидида яққа тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар сонининг муттасил камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Хусусан, тиббий фаолият кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган яққа тартиб-

даги врачлар сони сўнгги бир йил мобайнида 162 нафарга қисқарди (01.04.2008 й. – 1349 нафар, 01.05.2009 й. – 1187 нафар).

Бугунги кунда тиббий фаолият учун лицензия олиш мақсадида тақдим этиладиган ҳужжатларнинг аксарияти юридик шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Масалан, 2008 йилда лицензияловчи органга 338 ҳужжат келиб тушган бўлса, уларнинг 279 нафари юридик шахслардан, 59 нафари жисмоний шахслардандир. Жорий йилнинг май ойидан сентябрь ойигача ўтган мuddат ичида илгари фаолият кўрсатиб келган 48 нафар яққа тадбиркор ўз хоҳишига кўра мулкчилик шаклини ўзгартириб, юридик шахс (хусусий корхона, кичик корхона, МЧЖ, қўшма корхона ва б.) шаклида лицензия олиб, ўз тиббий фаолиятларини қайта ташкил этди. Худди шундай йўл тутган 381 нафар шифокорнинг ҳужжатлари лицензия олиш учун тақдим этилган ёки тақдим этишга тайёрланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2009 йилнинг май ойида Республика Бош прокуратураси билан ҳамкорликда амалга оширилган мониторингда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган 1187 нафар яққа тартибдаги тадбиркордан 581 нафарининг тиббий фаолияти ўрганиб чиқилди, қолган 606 нафар яққа тартибдаги тадбиркор-врач у ёки бу сабабларга кўра фаолият юритмаётганлиги аниқланди.

Яққа тартибда тиббий фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида бир қатор жиддий камчиликлар мавжудлиги, шу жумладан улар томонидан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий ҳавф тугдириши мумкин бўлган лицензия талаб ва шартларининг қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди. Хусусан, яққа тартибда тиббий фаолиятни амалга ошираётган врачлар даволаш жараёни стандартларига, санитария ва гигиена қондаларига, асбоб-ускуналар ва материалларни стерилизациялаш, шунингдек, ишлатилган тиббиёт бўюмларини зарарсизлантириш, утилизация ҳамда йўқ қилиш талабларига тўлиқ риоя этмаган ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётганлиги аниқланди. Масалан, яққа тартибдаги тадбиркор врачлардан 206 нафари санитария нормалари талабларига жавоб бермайдиган биналарда тиббий хизмат кўрсатган, 341 нафар врач метролог кўрувдан ўтказилмаган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланган. Шунингдек, 282 нафар яққа тадбиркор тиббий асбоб-ускуналарни стерилизация қилмаган, 287 нафари эса бир мартаба ишлатилмайдиган тиббий воситаларни утилизация қилиш чораларини кўрмаган, 138 лицензияга бошқа врач ва тиббиёт ходимларини ишга жалб этган, 357 нафари тиббий ҳужжатларни юритмаган ҳамда ўрнатилган тартибда статистик ҳисоботларни тақдим этмаган. Юқоридаги каби лицензия талаб ва шартларини бузган тадбиркорлар лицензияларининг амал қилиши ҳўжалик судларининг ҳал қилиш қарорлари билан тугатилди ва бу иш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давом эттирилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## ХУСУСИЙ ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

Якка тартибда тиббий фаолият билан шуғулланувчи врачлар томонидан давлолаш ва диагностика стандартларининг кўпол бузилиши, ўзининг мажбуриятларини профессионал даражада бажармаслик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига реал зарарда хавф туғдирмоқда. Ушбу соҳада қонунийлик ҳолатини таҳлил этиш якка тартибда тиббий фаолият билан шуғулланувчи врачларнинг фаолияти фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, аҳолига кафолатланган ҳамда малакали тиббий хизмат кўрсатиш манфаати билан ўзаро мос эмаслигини кўрсатди. Шу нуктадан назарда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга якка тартибдаги тадбиркорларнинг тиббий амалиёт билан шуғулланишини истисно этувчи ўзгартириш киритиш тавсия этилмоқда. Ушбу қонунга тегишли ўзгартириш киритилса, илгари якка тартибда фаолият юритган жисмоний шахслар энди юридик шахс ташкил этган ҳолда янгидан лицензия олиб, тиббий фаолият кўрсата бошлашлари мумкин. Бу орқали улар малакали тиббиёт ходимларининг ёлланма меҳнатидан фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритади. Айрим юридик шахс сифатида тиббий фаолиятни давом эттиришни истамаган ёки бу имкониятга эга бўлмаган шифокорлар олдидан бир қатор ўзга имкониятлар пайдо бўлади. Хусусан, улар ўз тиббий ихтисосликлари йўналишида айрим юридик шахс ташкил этмай, аксинча, бугунги кунда лицензия асосида фаолият кўрсатиб турган хусусий тиб-

бий муассаса (юридик шахс)нинг филиалини ташкил этишлари мумкин. Яна бир имконият – улар бугунги кунда лицензия асосида фаолият кўрсатиб турган хусусий тиббий муассасага (ёки унинг филиалига) ёлланма ходим сифатида ишга киришлари мумкин. Яна бир имконият – илгари якка тартибда ишлаган шифокорлар давлат тасарруфидоги тиббий муассасага ишга киришлари мумкин.

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга тегишли мазмундаги ўзгартириш киритилса, янги ташкил этилаётган хусусий тиббий муассасалар фаолиятининг такомиллашуви, юридик шахслар раҳбарлари учун тиббий фаолиятни даволаш-диагностика стандартларига ва санитария-эпидемиология талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ташкил этиш, кўшимча малакали тиббиёт ходимларини қонуний равишда ишга жалб қилиш, бу орқали лицензия талаб ва шартларига тўлиқ риоя этиш имконияти юзага келади. Бундан ташқари, хусусий секторда кўшимча иш ўринлари яратилади, шунингдек меҳнат ва солиқ қонунчилигига риоя этилишининг ҳуқуқий асослари юзага келади ҳамда бу соҳада фаолият юритувчи тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳуқуқлари ҳам кафолатланади. Бу эса, ўз навбатида, нодавлат сектори томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати яхшиланишига ёрдам беради.

**Фарход ИЛҲОМОВ,**  
тиббиёт фанлари  
доктори.

### Давра сўхбати

## ЁШЛАР ДОЛЗАРБ МАВЗУ АТРОФИДА

**Маълумки, ҳозирги даврда ОИВ касаллиги дунёнинг қатор давлатларида эпидемик тарқалиш хусусиятига эга бўлиб бормоқда. Республикамизда бу касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида давлат миқёсида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги ПК-1023-сонли «Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекциясининг тарқалишига қарши ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чоралар ҳақида»ги Қарори алоҳида аҳамиятга эга.**

Мазкур қарорнинг асосий моҳияти ОИВга қарши курашининг ягона тизимини ташкил қилиш, унинг олдини олиш ва аҳолини бу касалликдан ҳимоя қилиш борасида ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш. Шунингдек, ОИВга қарши кураш марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда касалликка қарши курашда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари меҳнати моддий рағбатлантирилишини таъминлашдан иборат.

Шу маънода Фарғона тиббиёт коллежида Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Фарғона филиали ва Фарғона телерадиокомпанияси ташаббуси билан «Ёшлар ОИВга қарши» мавзуда давра сўхбати ташкил этилди. Тадбирда вилоят ОИВс маркази раҳбари, теристаносил диспансери мутахассислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракатининг вилоят бўлими вакиллари, қон қуйиш станцияси шифокорлари иштирок этиб, ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар. Давра сўхбати аввалида мутахассислар ОИВс хасталиги ва унинг тарқалиш даражаси, юқш эҳтимоллари ҳамда профилактикасига доир маълумотларни бердилар.

– Долзарб мавзудаги тадбирларни ўтказиш ва аҳоли орасида тарбият-ташвиқот ишларини қучайтириш бизнинг доимий вазифамиз ҳисобланади. Ўтказилган мазкур тадбир ҳам ёшларни ОИВс борасидаги билимларини бойитиб, ҳаётга ва атрофдагиларга нисбатан ҳушёрроқ муносабатда бўлишларини шакллантиради, – дейди тадбир ташкилотчиси Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Фарғона филиали директори А. Абдумажидов.

**Намоз ТОЛИПОВ**

### Съезд

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К АКТУАЛЬНОЙ ПРОБЛЕМЕ

**22-23 октября текущего года в Ташкенте прошел I Съезд колопроктологов стран СНГ. Данное событие объединило большое количество специалистов, посетивших столицу Узбекистана с целью участия в столь масштабном мероприятии. На повестке дня стояли главные вопросы колопроктологии, которые в течение двух дней обсуждались в секционных заседаниях. Съезд был открыт вступительным словом Первого заместителя министра здравоохранения Авара АЛИМОВА.**

Проведение съезда было обусловлено динамично увеличивающимся процентом колопроктологических заболеваний у всего миру. Специалистам было необходимо собраться, дабы обсудить некоторые аспекты данной отрасли, в которых до сих пор имеются вопросы, поделиться опытом своей работы по борьбе с колопроктологическими патологиями. Мы пообщались со специалистами-гостями страны и узнали их мнение об описываемом событии.

**Владимир ТАТЬЯНЧЕНКО,**  
профессор кафедры  
хирургических болезней №4  
Ростовского  
государственного

**медицинского университета:**  
– Сегодня мы собрались на первом съезде колопроктологов в Узбекистане. Дебют данного события в этой стране очень радует нас, это большой шаг вперед, который, безусловно, приведет к



стенки. Тонус мускулатуры толстой кишки с возрастом постепенно снижается, что, по-видимому, объясняет преимущественное поражение лиц пожилого возраста. Таким образом, дивертикулярную болезнь можно объяснить периодическим

ознакомился с некоторыми научными работами, проанализировал их. Содержание очень осмысленно с практической точки зрения. Одним из наиболее распространенных заболеваний является рак толстой кишки, который объединяет различные по форме, локализации и гистологической

структуре злокачественные эпителиальные опухоли слепой, ободочной и прямой кишки, а также анального канала. На сегодняшний день нет какой-либо одной причины, которая приводила бы к возникновению рака толстой кишки. Скорее всего, речь может идти о сочетании нескольких неблагоприятных факторов, ведущими из которых являются диета, внешняя среда, хронические заболевания толстой кишки и наследственность. Поэтому одним из главных методов профилактики является охрана своего здоровья, правильное питание. Съезд прошел очень активно, темы были действительно актуальными.

**Атабай МАДАМИНОВ,**  
кандидат медицинских наук,  
врач высшей категории:

– Проведение съезда колопроктологов в Узбекистане неудивительно, так как данная отрасль медицины является наиболее актуальной на сегодняшний день, в связи с широкой распространенностью патологий данной отрасли среди населения. Основной целью мероприятия явилось более глубокое ознакомление с основными аспектами данной сферы; опираясь на научные и теоретические основы, необходимо развивать новые методы и технологии по борьбе с заболеваниями. Согласно словам специалистов из других стран СНГ, очевидно, что съезд оправдал поставленные ранее цели и ожидания участников. В частности, в процессе мероприятия обсуждались такие темы, как кишечные, онкологические заболевания и их последствия, ректовагинальные последствия родов. Информация, полученная в процессе исследований специалистов и применения современного образования, просияла многим, доселе непознанные моменты колопроктологии. В качестве практикующего врача я хотел бы отметить, что мы смогли ближе ознакомиться с задачами и вопросами колопроктологии, современными объективными и оперативными методами, а также определить задачи на будущее.

**Михаил ЗАХАРАШ,**  
главный колопроктолог  
Минздрава Украины,  
доктор медицинских наук,  
профессор:

– Этот съезд организован для решения и обсуждения колопроктологических проблем. В течение этих дней у нас появилась возможность понаблюдать за деятельностью специалистов Узбекистана, и те положительные стороны развития медицинской сферы страны мы рассматриваем как результат упорной работы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, а также всего кадрового потенциала работников медицинских учреждений. Я внимательно

Прошедший съезд произвел положительное впечатление на всех участников. Получив много полезной информации, специалисты смогут использовать ее в своей медицинской практике.

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**  
Автор фото: Сабир МАДЖИДОВ.



прогрессу в данной области. Очень большое количество разнообразных тем обсуждалось в течение этих дней. Например, вопросы дивертикулярной болезни обсуждались особо широко, что связано с широким распространением данного заболевания среди населения. Расскажу подробнее о заболевании. Дивертикулярная болезнь широко распространена в развитых странах, и основная сложность ее оценки заключается в том, что в течение длительного времени она протекает бессимптомно. Дефицит растительной клетчатки в пище должен иметь место по крайней мере в течение 30 лет, поэтому в большинстве случаев признаки дивертикулярной болезни появляются в среднем возрасте. Болезнь поражает преимущественно сигмовидную кишку, затем нисходящую ободочную кишку, менее часто правую поперечную ободочную кишку и редко правые отделы ободочной кишки. Следует отметить, что до настоящего времени неизвество, какой из факторов более важен для развития дивертикулов: анатомический дефект кишечной стенки или действие сил в полости кишки. Обнаружено, что базальное внутриполостное давление у больных дивертикулярной болезнью и у здоровых лиц одинаковое. Другим важным этиологическим фактором может быть слабость кишечной

значительным повышением внутриполостного давления, воздействующим на ослабленную возрастными изменениями стенку толстой кишки. Вкратце, это выглядит так. На съезде мы получили возможность обсудить данное заболевание более подробно с коллегами из разных стран, поделиться своим и перенять их опыт. Первый съезд колопроктологов прошел на высшем уровне, и мы надеемся регулярно принимать участие в подобных мероприятиях в Узбекистане.

**Врач конспекти**

# СТАБИЛ ВА НОСТАБИЛ СТЕНОКАРДИЯНИНГ ТАСНИФИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

8-жаввал

**Юрак қон-томир касалликларидан нитратларни қўллаш учун кўрсатмалар**

1. Стабил стенокардия;
2. Ностабил стенокардия;
3. Вагоспастик стенокардия;
4. Миокарднинг оғриқсиз ишемияси;
5. Ўткир миокард инфаркти;
6. Ўткир қон айланиш этишмовчилиги – ўпка шили;
7. Сурункали қон айлалини этишмовчилиги (КАЕ);
8. Гипертоник криз;
9. Бошқалар (жигар циррози, бета-адреноблокаторлар билан бирга).

Нитратларнинг кардиологияда кенг доирада қўлланилиши уларнинг универсал таъсир механизми билан боғлиқ.

**Нитратларнинг таъсир механизми:**

**А. Қисорд олиб келинишини ошириш:**

1. Йирқ эпикардиял коронар артерияларни кенгайтириб, ишемияга учраган миокардага қисорд олиб келинишини яхшилайти ва некроз соҳасини чеклайди.
2. Чап қоринча деворлари зўриқишини камайтиради, бу субэндокардиал ва интрамурал соҳаларни қон билан таъминлашни яхшилашига олиб келади.
3. Коллатерал қон айлалини яхшилайти.
4. Тромбозитлар агрегациясини сусайтиради.
5. Юрак этишмовчилиги билан хасталанган беморларда миокарднинг қисқарувчанлик қобилиятини яхшилайти.

**Б. Миокарднинг қисордга эҳтиёжини камайитириш:**

1. Вена томирларини кенгайтириб, миокардага олд юклама (зўриқиш)ни, ўпка артериясидаги сиқилиш босимини ва чап қоринчада якуний диастолик босимини пастайтиради.
2. Катта дозаларда артериолаларнинг кенгайтиришга олиб келади, миокардага паст юклама (паст зўриқиш)ни камайтиради ва қон томирларнинг умумий периферик қаршилигини пастайтиради.

Нитратларнинг савдо номлари жуда кўп бўлишидан қайти назар, уларнинг асосида учта дори шакли ётади – нитроглицерин препаратлари, изосорбид динитрати ва энг замонавий шакли – изосорбид-5-мононитрати.

Изосорбид-5-мононитрати изосорбид динитратининг энг фаол метаболити ҳисобланади ва сўнгидан фарқли равишда, қатор афзалликларга эга: деярли 100 фоизли биокоришаолишлик, бунинг оқибати ўларок, фармакокинетикада индивидуал фарқларнинг йўқлиги, давомли ярим чиқарилиш даври, биобарин, препарат бор-йўги 2 марта қабул қилинганда 24 соатли самарага эришиш имконияти, қонга оҳиста тушиш хусусияти ва шу боисдан, ноҳўя таъсирлар (бош оғриғи ва айлалини)нинг камлиги. ЮИК билан беморларни даволаш учун қўлланилганда мононитратларнинг энг фойдали хусусиятлари, уларнинг қонга аста-секин тушиши (бу симпатoadренал тизимининг фаолашши хавфини жиддий равишда камайитиради ва эҳтимол нитратларнинг таъсирига толерантлик ри-вожланишини сусайтиради), жигарда бирламчи метабolik дегерациянинг йўқлиги ҳисобланади ва биобарин, қабул қилинаётган доза ва унинг қондаги концентрацияси ўртасидаги даярли бир томонлама ўзаро боғлиқлик, шу билан бирга давомли таъсир, бу ўз навбатида миокарднинг ишемик дисфункциясини янада самарали бартараф этишга ёрдам беради.

**2. Бета-адреноблокаторлар.** Ҳозирги вақтда юрак қон-томир касалликларида ўлимни исботланган камайитириш қобилиятини назарда тутиб, бета-блокаторлар кардиологик касалликларнинг фармакотерапиясида серираща керакли тош ҳисобланади (9-жаввал).

5. Сурункали қон айлалини этишмовчилиги (CIBIS-I, MERIT-HF, COPERNICUS, SENIORS);

6. Юрак ритмининг бузилиши ва ҳоказо. Таъсир механизми симпатoadренал тизим таъсирини камайитириши, ЮУС, миокард қисқарувчанлиги ва қўзғалувчанлиги пастайтиришини назарда тутиб, b-1-адренорецепторларнинг блокадаси оқибатида миокарднинг қисордга эҳтиёжини камайитиришга асосланади.

**Бета-адреноблокаторлар асосий хос-саларига мувофиқ қуйидагича бўлинади:**

1. Кардиоселектив ва кардиоселектив эмас (b-1 ва b-2-адренорецепторлари танлаб блокالاш қобилияти).

**Клиник жиҳатдан бун қуйидагиларни ангилатади:**

**А. Кардиоселективлик (метопролол-Корвитол, биспролол, небиволол Небилет) – асосан b-1-адренорецепторларга таъсир:**

- ЮУС камайиши;
- а/в ўтказувчанлигининг секинлашуви;
- миокард қўзғалувчанлигининг сусайиши;
- АБнинг пастайиши;
- чап қоринча қисқарувчанлигининг камайиши;
- кўз ички босимининг пастайиши.

**Б. Носелективлик (пропранолол, надолол, карведилол) – шунингдек, b-2-адренорецепторларга ҳам таъсир:**

